



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 9



ТОШКЕНТ-2023

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-9>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


| | |
|---|----|
| 1. Боймуродов Ботир Панжи ўғли НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ..... | 5 |
| 2. Султанова Сабохат Алишеровна О НЕКОТОРЫХ ТЕНДЕНЦИЯХ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН..... | 13 |
| 3. Ли Адик Александрович НАЛОГОВАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ И ЕЕ ПРИНЦИПЫ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН..... | 21 |
| 4. Safojeva Sadoqat Musoyevna IJTIMOIY TARMOQDA SHARTNOMAVIY MUNOSABATLARDAGI MUVOZANATNI TA'MINLASH: FUQAROLIK QONUNCHILIGINI TAKOMILLARISH BO'YICHA TAVSIYALAR..... | 32 |
| 5. Berdialiyev Baxtiyor Erkinovich QIMOR VA TAVAKKALCHILIKKA ASOSLANGAN BOSHQA O'YINLARNI TASHKIL ETISH HAMDA O'TKAZISHNING IJTIMOY XAVFLILIGI..... | 41 |
| 6. Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li JINOYAT KODEKSI MAXSUS QISMIDA NAZARDA TUTILGAN JINOYAT BELGILARIGA NISBATAN XATO QILINGANDA QILMISHNI KVALIFIKATSIYA QILISH..... | 49 |
| 7. Mamajanov Abrorbek Mirabdullayevich SHEKLANGAN AQLI RASOLIKNING YURIDIK MEZONI..... | 58 |
| 8. Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна, Хамракулов Умиджон Шарабидинович КИБЕРЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БУ БОРАДАГИ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ..... | 65 |
| 9. Sunnatov Vohid Toshmurodovich AXLOQ TUZATISH ISHLARI JAZOSINI O'TASH BILAN BOG'LIQ XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBALARI TAHLILI..... | 73 |
| 10. Тошниёзов Сардор Уралбаевич КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛАГА КИРИТИШНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР..... | 80 |
| 11. Азходжаева Роза Алтыновна РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ МЕДИКО-САНИТАРНЫХ НОРМ В РЕГУЛИРОВАНИИ ВОПРОСОВ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ..... | 87 |
| 12. Турдиев Хайитжон Усмонкул ўғли ПАРЛАМЕНТ ТЕКШИРУВИ ИНСТИТУТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ..... | 95 |



Сайдивалиева Хуршида Ходжиақбаровна,
 “Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот
 институти бўлим бошлиғи, катта илмий ходим
 юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Хамракулов Умиджон Шарабидинович,
 Ички ишлар вазирлиги етакчи мутахассиси,
 техника фанлари доктори, доцент
 E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

КИБЕРЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БУ БОРАДАГИ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

For citation: Saidivalieva Khurshida Khodjiakbarovna, Khamrakulov Umidjon Sharabidinovich. CYBER VIOLENCE PREVENTION AND RESPONSIBILITY ISSUES. Journal of Law Research. 2023, 8 vol., issue 9, pp. 65-72

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8312585>

АННОТАЦИЯ

Виртуал маконда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши киберзўравонлик каби янги тушунча ва ходисаларнинг жадал суратларда ривожланишига олиб келди. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган мазкур Интернетдаги безориликларни ўз ичига олган киберзўравонлик муаммолари ушбу мақолада муҳокама қилинган, ҳамда “киберзўравонлик” тушунчасининг маъноси очиб берилган. Киберзўравонлик билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ахборот-таҳлилий маълумотлар келтирилиши билан бир қаторда, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: киберзўравонлик, кибермакон, зўравонлик, шахсий маълумотлар, ижтимоий тармоқлар, жиноят кодекси, таҳдид, ҳавфсизлик, химоя.

Сайдивалиева Хуршида Ходжиақбаровна,
 Заведующая отделом НИИ «Семья и женщина»,
 старший научный сотрудник
 доктор философии по юридическим наукам (PhD),
Хамракулов Умиджон Шарабидинович,
 Ведущий специалист Министерство внутренних дел,
 Доктор технических наук, доцент
 E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ И ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ КИБЕРНАСИЛИЯ

АННОТАЦИЯ

Развитие информационных и коммуникационных технологий в виртуальном пространстве привело к бурному развитию новых концепций и явлений, таких как кибербуллинг. В данной статье рассматривается кибернасилие, которое является одной из актуальных проблем современности, а также разъясняется значение термина «кибернасилие». Помимо предоставления информационно-аналитических данных по делам, связанным с кибернасилием, разработаны предложения по вопросам, имеющим теоретическое и практическое значение для совершенствования законодательства.

Ключевые слова: кибернасилие, киберпространство, насилие, персональные данные, социальные сети, уголовный кодекс, угроза, безопасность, защита.

Saidivalieva Khurshida Khodjiakbarovna,

Head of the Department of the Scientific Research Institute

"Family and Women", senior researcher

Doctor of Philosophy (PhD) in Law,

Khamrakulov Umidjon Sharabidinovich,

Leading specialist of the Ministry of Internal Affairs,

Doctor of Technical Sciences, Associate Professor

E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

CYBER VIOLENCE PREVENTION AND RESPONSIBILITY ISSUES

ANNOTATION

The development of information and communication technologies in the virtual space has led to the rapid development of new concepts and phenomena such as cyberviolence. Cyberviolence, which is one of today's hot issues, including cyberviolence, is discussed in this article, and the meaning of the term "cyberviolence" is explained. In addition to providing information and analytical data on cases related to cyber violence, proposals have been developed on issues of theoretical and practical importance for improving legislation.

Keywords: cyberviolence, cyberspace, violence, personal data, social networks, criminal code, threat, security, protection.

Бугунги кунда жамиятда хотин-қизларга тенг имкониятлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва гендер тенглик тамойилларининг жорий қилинишига эришиш ҳар қандай замонавий давлатнинг устувор мақсади ва вазифаларидан бирига айланган. Гендер тенглик бу хотин-қизлар ва эркеклар жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида уларнинг тўлақонли иштирок этиши учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминланиши англатади. Замонавий талаблар жамиятда гендер масаласида тўғри дунёқарашни шакллантириш кераклигини намоён этмоқда. Гендер тенглик зарурлиги, у эркек ва аёлнинг манфаатини бирдек ҳимоя қиладиган қадрият эканини барча, яъни бутун аҳолимиз англаши зарурлиги ва мазкур демократик тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш вақти келгани ойдинлашмоқда[1].

БМТнинг 1993 йил 20 декабрдаги Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни тугатишга оид Декларацияси[2]да “Аёл кишининг жисмоний, жинсий, психологик соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай зўравонлик амаллари ёки аёл кишини қийнаш ва унга таҳдид қилиш ҳолатлари, уни ўз райига қарши равишда озодликдан маҳрум қилиш, шахсий ва ижтимоий ҳаётдан узиб қўйиш”, олдини олиш лозимлиги тўғрисидаги илк хайқириқлар зўравонлик ҳолатлари дунё бўйича мавжудлигини исботлаган эди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида 70-сон резолюцияси билан 17 та мақсадга эришиш бўйича 169 та мақсадли вазифа тасдиқланди. Барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад — Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга

эришишдан иборат. Дунё миқёсида 25 ноябрь Халқаро хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун курашиш куни сифатида эътироф этилади. Дунё бўйича йилига 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган ҳар бешинчи аёл зўравонлик ҳолати бўйича ариза билан мурожаат қилади. БМТнинг статистик маълумотларига кўра[3], дунёда ҳар учинчи аёл тазйиқ ва зўравонлик ҳолатига дуч келади, ҳар куни оиласида ўз яқинлари томонидан содир этилган зўравонлик оқибатида 137 аёл ҳаётдан кўз юмади. 40-70 % ҳолларда зўравонлик аёлларнинг яқинлари, яъни турмуш ўртоқлари, қариндошлари ва аёл таниган-билган одамлар томонидан амалга оширилади. Зўравонлик нафақат жисмоний равишда, балки психологик тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашлари, Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги Қарори билан “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” тасдиқланди. Гендер стратегиясида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглиги борасидаги бугунги ҳолат ва мавжуд муаммолар белгилаб ўтилган. Гендер стратегиясида уни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири этиб давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш белгиланган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хотин-қизларни муҳофаза қилиш, улар манфаатларини рўёбга чиқариш, уларнинг кадр-қиммати, шон-шавкати, жумладан улар мавқеи, ҳаёти ва жонини асраб-авайлашга йўналтирилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар учрамоқда. Хусусан, зўравонлик ҳолатларини таҳлил қилишда идоралараро яхлит статистик маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, зўравонликни эрта аниқлаш диагностикасининг йўлга қўйилмаганлиги, реабилитация масалаларида кадрлар тайёрлаш ва малакасини доимий ошириб бориш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан давлат идораларининг ҳамкорлигининг самарали йўлга қўйилмаганлиги шулар жумласидандир. Таҳлилларга кўра, 2022 йилда 49 минг 774 нафар хотин-қизлар тазйиқ ва зўравонликка учраган, ушбу ҳолатларнинг 81,8 фоизи (49 774 тадан 40759 таси) уларнинг оилаларида содир этилган. 2023 йилнинг олти ойи мобайнида 18704 нафар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери берилган[4]. Қолаверса, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар жазо чоралар белгиланмаган эди, хотин-қизларни шилқимликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилмаган эди, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордernинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермаётган эди. Шу нуқтаи назардан ҳам, жорий йил 11 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сонли Қонунни қабул қилиниши ҳам бу борада қилинаётган яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида 18 ёшга тўлмаган шахсларни, яқин қариндош, собиқ хотин, бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахс ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик учун ҳамда оилавий (маиший) зўравонлик учун жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, таъқиб этиш тушунчаси киритилиб, илгари 30 кунгача узайтириш мумкин ҳисобланган ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини 1 йилгача муддатга жинойт ишлари бўйича суд томонидан узайтириш имконияти қонун билан белгилаб берилди. Шахсининг шаънини ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик белгиланди. Шу билан бирга, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилаётган қўшимча асосида шахвоний шилқимлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилиб, вояга етмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Амалга оширилган мазкур ишлар хануз етарли эмаслигини кўрсатмоқда, бу эса бугунги кундаги зўравонликнинг янги шакллари пайдо бўлаётганлиги, жамиятда жадаллашув ва ахборот технологияларининг ривожланиб кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланилаётганлиги каби омиллар билан боғлиқ бўлмоқда. Зўравонлик бугунга келиб, оилада, иш жойида, кўчада ва интернет тармоғи орқали содир этилиб келинмоқда. Кўп ҳолатларда зўравонлик бир гуруҳ ёки шахс томонидан ўзини осонликча ҳимоя қила олмайдиган жабрланувчига қарши такроран ва вақт ўтиши билан амалга ошириладиган тажовузкор, қасдан ҳаракат ёки хатти-ҳаракатлар сифатида кўрилади. Зўравонлик ҳаракатлари одатда жисмоний зўравонлик (тепиш, уриш), оғзаки зўравонлик (лақаб қўйиш ёки таҳдид қилиш), муносабатларга оид (ижтимоий четлатиш)дан тортиб, миш-мишларни келтириб чиқариш, бегоналаштириш/изоляция қилиш каби руҳий зўравонликларни ўз ичига олади. Фуқаролар орасида компьютер ва мобил телефонлардан фойдаланишнинг ортиши онлайн мулоқотни энг машҳур мулоқотлардан бирига айлантириб, зўравонликнинг янги шакллари келтириб чиқаришга сабаб бўлди. Анъанавий мулоқотдан онлайн мулоқотга ўтиш зўравонликнинг янги шакли бўлмиш киберзўравонликни келтириб чиқарди.

Илмий адабиётларда таърифланишича, **киберзўравонлик** - бир гуруҳ ёки шахс томонидан электрон алоқа шаклларида фойдаланган ҳолда, ўзини осонгина ҳимоя қила олмайдиган жабрланувчига нисбатан вақт ўтиши билан қайта-қайта ва қасдан содир этиладиган тажовузкор ҳаракат[5-10].

Чексиз аудитория тармоғи, тажовузкорнинг анонимлиги ва зўравонлик содир бўлиши мумкин бўлган вақт ва макондаги минимал чекловлар каби анъанавий зўравонлик шаклларида фарқи туфайли, киберзўравонлик ўсмирлар ва аёллар орасида кучли руҳий зўриқишни келтириб чиқариши билан бир қаторда **ўз жонига қасд қилиш** каби жиддий ҳолатларни юзага келтирмоқда.

АҚШ Адлия департаменти [11] маълумотларига кўра, АҚШда аёлларнинг тахминан 12 фоизи ҳаётлари давомида киберзўравонликка учраган ва уларнинг тахминан 20 фоизи киберзўравонлик, доимий электрон почта хабарлари ёки бошқа қирувчи алоқалардан руҳий тушкунликка тушган. Шунингдек, ҳар йили 1 миллиондан ортиқ аёл кибертаъқиб қилинади ва унинг қурбонига айланади [12].

АҚШ Миллий адлия институти[8]маълумотларига кўра, киберзўравонлик қурбонларининг 2/3 қисмига ўзининг яқин танишлари томонидан зўравонлик қилинган ва киберзўравонликка учраган аёлларнинг 81 фоизи ҳозирги ёки собиқ қаллиғи томонидан жисмоний ҳужумга учраган.

Киберзўравонликнинг ягона тушунчаси мавжуд эмас ва уни кенг маънода ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳар қандай зўравонлик жинойтлари, тор маънода - ахборот ва телекоммуникация технологияларидан

фойдаланган ҳолда шахсларга нисбатан содир этилган руҳий зўравонлик ҳаракати сифатида тушуниш мумкин.

Жаҳонда болалар ҳуқуқларини қай даражада таъминланаётганлиги ҳамда давлатлар болалар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қайтарзда интилаётганлигини ўлчайдиган “KidsRight Indeks” халқаро рейтингда боланинг яшаш, соғлиқ, таълим олиш, ҳимояланиш ҳамда бола ҳуқуқлари учун қулай муҳит яратиш каби мезонлар орқали давлатлар фаолияти баҳоланади ҳамда 2021 йилда ушбу рейтингда Ўзбекистон 182 та давлатлар орасида **89-ўринни** эгаллаган [13].

Бу борада Ўзбекистондаги ҳолат бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2020 йилда Ўзбекистон аҳолисининг сони **34 миллиондан** ортган бўлиб, интернет фойдаланувчиларнинг сони **22 миллионга** етган. Уларнинг **85 фоиздан** ортиғи ижтимоий тармоқлардан фойдаланган [14].

2022 йилда Ўзбекистонда жами **24,1 миллион** нафар интернет фойдаланувчилари бўлиб, ушбу рақамлар йилига ўртача **1,4 фоизга** ўсмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг **28,5 фоиз** қисми **18-35 ёш** оралиғида бўлиб, ижтимоий тармоқлар, жумладан, мессенжерлардан фаол фойдаланади [15].

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси [16] берган маълумотга кўра, мамлакатимизда энг кўп фойдаланиладиган ижтимоий тармоқ – “Telegram” мессенжери бўлиб, ҳозирда **18 миллиондан** ортиқ Ўзбекистонликлар ундан фойдаланмоқда. Шунингдек, “Одноклассники”да **16,7 миллион**, “Facebook”да **4,7 миллион**, “Instagram”да **3,7 миллион**, “ВКонтакте”да **2,6 миллион**, “LinkedIn”да **288 минг**, “Twitter”да **51,6 минг** нафар ўзбекистонлик фойдаланувчи мавжуд бўлиб, уларнинг **75 фоиздан** ортиғини ёшлар ташкил қилади. Бундан ташқари, аҳолининг **28,5 %** қисми **18-35 ёш** оралиғида бўлиб, ижтимоий тармоқлар, жумладан мессенжерлардан фаол фойдаланишади. Фойдаланувчиларнинг **34,4 фоизини** аёллар ташкил қилади.

Ички ишлар вазирлиги берган маълумотларга кўра [17], Республика ҳудудида киберзўравонлик билан боғлиқ жиноятлар юзасидан асосан аёллар ва болалар жабрланаётганлиги кузатилган.

Кибержиноятлар асосан иккита гуруҳга, компьютерларнинг ўзига қаратилган кибержиноятлар (интернет фирибгарлиги, молиявий маълумот ёки банк картаси маълумотларини ўғирлаш, кибертовламачилик, криптоджекинг, кибержосуслик) ва компьютердан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган кибержиноятлар (киберзўравонлик, киберқотиллик, киберсуицид) турига ажратиш мумкин [18].

Кибержиноятдан кўзланган асосий мақсад иккинчи тарафга моддий ва маънавий, сиёсий ва бошқа турдаги зарар етказиш ҳисобланади. Бунда кибержиноятчи ўзининг қабих мақсадига кибертехнологиялардан фойдаланиб юқоридаги мақсадига етишни кўзлайди ёки иккинчи тарафнинг кибертехнологияларини йўқ қилиш орқали уни кучсизлантириш ва шу орқали ўзига тобе қилишга ҳаракат қилади, аниқроқ айтадиган бўлсак, киберқотиллик, киберсуицид, киберфирибгарлик, киберўғрилик, киберпорнография, **киберзўравонлик**, киберэкстремизм ва бошқа кибержиноятлар орқали кибержиноятчи иккинчи тарафга кибертехнологиялардан фойдаланиб жабрланувчининг ахборот-коммуникация технологияларини зарарсизлантиришни кўзламайди, балки шахсни, **жамиятни ўзига қаратиш ва тобе қилишга ҳаракат қилади** [19].

Республикадаги киберзўравонлик ҳолатлари билан боғлиқ вазиятлар таҳлили амалга оширилганда, унинг даражаси, назорати, унга қўлланилган жазо турлари, давлат томонидан тартибга солиниши борасидаги ёндашувларнинг тизимли боғлиқлиги инобатга олиниши лозим бўлади. Киберзўравонлик билан боғлиқ янги турдаги жиноятларни тартибга солиш тизимида киберзўравонлик тушунчасининг мавжуд эмаслигини кузатиш мумкин. Шунингдек, Жиноят кодексининг ХХ¹-бобида ҳам мазкур турдаги жиноятларни тўлиқ қамраб олинмаётганлиги кузатилмоқда. Айни пайтда безориликнинг айрим турлари устидан назорат мавжуд бўлиб, бу безориликнинг барча шаклларини тўлиқ қамраб олмайди. Лекин айрим

ҳолларда киберзўравонлик билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан, жумладан, Жиноят кодексининг 103-моддаси 2-қисми “г” бандида “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш”; 103¹-моддаси 2-қисми “в” бандида “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш”; 130-моддасида “Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш”; 130¹-моддасида “Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш”; 139-моддасида “Тухмат”; 140-моддасида “Ҳақорат қилиш”; 188¹-моддасида “Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият”; 244^б-моддасида “Ёлғон ахборот тарқатиш” каби жавобгарликлар белгиланган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва бегиланган нормалар бўйича қуйидагиларни хулосаларни келтириб ўтиш мумкин:

1. Фуқаролар ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи киберзўравонликни назорат қилишнинг аниқ тизими мавжуд эмас;

2. Киберзўравонлик билан боғлиқ ҳолатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланиладиган таърифларни кенг маънода талқин қилиш фактларининг мавжудлиги;

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда киберзўравонлик ҳолатларини содир этган шахслар жазоланиши мумкин бўлган турли шакллари ҳар хил турдаги безорилик деб тушуниш мумкин. Шунини тушуниш керакки, безорилик ва киберзўравонлик ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ.

Юқорида келтирилган таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида киберзўравонлик учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус моддалар Жиноят кодексига ўз аксини топмаган. Шу билан бирга, киберзўравонликнинг кўп қиррали хусусиятини, унинг намоён бўлиш шакллари ҳисобга олган ҳолда, киберзўравонлик турли ҳаракатларини ўз ичига олиши мумкин бўлганида Жиноят кодексининг мавжуд бўлган моддаларига махсус малакавий хусусиятларни киритиш лозим бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 143-моддасида, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин мазкур тартибини қасдан бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Амалиётда ижтимоий ва интернет тармоғи фойдаланувчилари ўзганинг шахсий маълумотларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиши натижасида инсоннинг ор-номуси, қадр-қиммати ва ҳаттоки ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Шу сабабли, мазкур ҳолат биринчи бор содир этилгандаёқ жиноий жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундай тизимнинг жорий этилиши ҳозирги вақтда интернет маконидан фойдаланиш фаоллашгани муносабати билан фаоллашаётган ижтимоий хавfli қилмишни жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлайди. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқларда “hate” каби янги йўналишлар оммалашмоқда, бу инглиз тилида нафратни англатади. Онлайн безорилик учун жавобгарликнинг жорий этилиши жамиятдаги бундай салбий ҳодисаларни минималлаштиради.

Бундан ташқари, шунини таъкидлаш жоизки, ушбу юқорида тақлиф этилган қоидаларнинг йўқлиги Интернет таъқиблари ёрдамида содир этилган жиноятлар тизимининг ривожланишини истисно этмайди. Шунини инобатга олган ҳолда, бундай жиноятлар деганда ахборот-телекоммуникация тармоқлари, жумладан, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, бошқа шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотларни тарқатиш тарзида содир этиладиган ижтимоий хавfli қилмишлар гуруҳи тушунилиши лозим. Демак, ҳар қандай жиноий қилмишда жиноятнинг мажбурий ёки қўшимча объекти - шахсни ҳимоя қилишга қаратилган жамият ва шахс муносабатлари кўрсатилиши керак.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, киберзўравонлик унга алоқадор бўлган ҳар бир кишига тузатиб бўлмас ижтимоий мослашувини белгилайдиган психологик зарар келтиради.

Бевосита зўравонликка алоқадор бўлмаган кузатувчилар ҳам салбий ҳис-туйғуларни бошдан кечирадilar: жабрланувчининг ўрнида бўлишдан кўркиш, кучсизлик, жамиятга салбий муносабат, бунда бир киши бошқаси томонидан камситилади. Буларнинг олдини олиш учун эса, аҳолининг ахборот маконида хулқ-атворининг ахлоқий меъёрларини, киберэтика тамойилларини ўзлаштиришлари учун психологик-педагогик шароитлар мажмуини яратиш, хавфсиз онлайн хулқ-атвор усуллари тўғрисидаги билимларни такомиллаштириш, киберзўравонликка қарши курашда энг самарали профилактик чора-тадбирлар сифатида белгиланиши лозим бўлади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон қонунчилигида гендер тенглиги ва хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатлари. USAIDнинг ҳуқуқий ислохотлар дастури. “Тараққиёт стратегияси” маркази. Фарғона вилояти “Меҳржон” аёллар ва болалар маркази. -Тошкент: “Zamin nashr”, 2020. -Б. 3-8
2. Декларация ООН об искоренении всех форм насилия в отношении женщин (сокращенно DEVAW). Статья 1. // http://www.unifem.org/gender_issues/violence_against_women/
//<https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/violenceagainstwomen.aspx>
3. <https://news.un.org/ru/story/2022/11/1435062>
4. <https://t.me/davlatqomita>
5. Aboujaoude, E., Savage, M. W., Starcevic, V., & Salame, W. O. (2015). Cyberbullying: Review of an old problem gone viral. *Journal of Adolescent Health, 57*(1), 10-18.
6. Zalaquett, C. P., & Chatters, S. J. (2014). Cyberbullying in college: frequency, characteristics, and practical implications. *Sage Open, 4*(1), 2158244014526721.
7. Allanson, P. B., Lester, R. R., & Notar, C. E. (2015). A History of Bullying. *International Journal of Education and Social Science, 2*(12), 31-36.
8. M. Andriansyah, A. Akbar, A. Ahwan, N. Aristo Gilani, A. Roma Nugraha, R. Nofita Sari, and R. Senjaya., “Cyberbullying comment classification on Indonesian Selebgram using support vector machine method,” in 2017 Second International Conference on Informatics and Computing (ICIC), 2017, pp. 1–5.
9. H. Nurrahmi and D. Nurjanah, “Indonesian Twitter Cyberbullying Detection using Text Classification and User Credibility,” 2018 Int. Conf. Inf. Commun. Technol. ICOIACT 2018, vol. 2018–Janua, pp. 543–548, 2018.
10. <https://www.justice.gov/>
11. Allison, K. R., & Bussey, K. (2022). Cyber-bystanding in context: A review of the literature on witnesses' responses to cyberbullying. *Children and Youth Services Review, 65*, 183-194.
12. <https://nij.ojp.gov/>
13. <https://www.kidsrights.org/research/kidsrights-index/>
14. https://uza.uz/uz/posts/izhtimoiy-tarmoqlar-izhobiy-tomonlari-bilan-birga-xavfli-tomonlari-ham-ortib-bormoqda_384678
15. <https://mininnovation.uz/oz/news/post-745>
16. <https://senat.uz/>
17. <https://iiv.uz/>
18. <https://www.kaspersky.ru/resource-center/threats/what-is-cybercrime>
19. Киберпреступность в мире. 2020 г. (Cybercrime in the world. 2020), <http://www.tadviser.ru/index.php>
20. Джураев Ф.Э. Кибержиноятлар тушунчаси, белгилари ва шахсий изқуварлик маҳорати орқали уларни олдини олиш ва фoш этилишининг аҳамияти ҳақида айрим мулоҳазалар (Djuraev F.E. Some thoughts on the concept, signs and prevention of cybercrime and the importance of detecting it through personal diligence) // <https://cyberleninka.ru/article/n/kiberzhinoyatlar-tushunchasi-belgilari-va-shahsiy-iz-uvarlik-ma-orati-or-ali-ularni-oldini-olish-va-fosh-etilishining-a-amiyati->

21. Матчанов А. Кибержиноятлар тушунчаси ва уларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(12 special issue), 114–119, (Matchanov A. The concept of cybercrime and the legal basis for combating them. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2 (12 special issue), 114–119) // <https://in-academy.uz/index.php/ejlfas/article/view/9201>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000